


Расмий Кобул ва толиблар музокаралар ҳақида келишиб олди



11:36 / 16.10.2018 3400

Россия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилининг маълум қилишича, учрашув ҳақида келишолмаётган томонларнинг розилиги олинган бўлиб, у яқин кунлар ичида Москва шаҳрида бўлиб ўтиши кутилмоқда. Музокараларни ўтказиш санаси шу ҳафта эълон қилинади. Бу ҳақда «Известия» ахборот нашри [хабар берди](#).

Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё иккинчи департаменти директори ва президентнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Замир Кабуловнинг ушбу нашрга берган маълумотларига кўра, толиблар ва афғон ҳукумати “Москва формати”даги йиғилишда иштирок этмоқда. Унда шунингдек, яна 10 та бошқа иштирокчилар ҳам қатнашади. Расмий вакил музокараларнинг бориши ҳақида олдиндан бирор нарса дея олмаслигини

ҳам маълум қилган.

Аввалроқ, бу музокара 4 сентябрь куни бўлиб ўтиши режалаштирилган эди. Бироқ номаълум сабабларга кўра, расмий Қобул унда иштирок этишдан бош тортганини билдирган эди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**